# МУСТАҚИЛЛИК: ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР

Эркин ЮСУПОВ,
академик

**ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИГА** катта ҳисса қўшган ўзбек халқи кўп асрлар давомида ўзининг яхлит миллий давлатини ташкил этишни орзу қилиб келди. Қадимги аждодларимиз кўплаб йирик давлатлар барпо этган бўлса ҳам, уларни том маънода ўзбекларнинг яхлит миллий давлати, деб бўлмас эди. Ўрта асрнинг охирларига келиб ўзбеклар Хева, Қўқон хонлиги, Бухоро амирлигига бўлиниб кетдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек халқи мустамлакачилик асоратидан қутулиш, мустақил давлат барпо этиш учун ҳаракат қилиб келди. Мустақиллик учун мустамлакачиликка, тарқоқликка қарши курашиш бу даврларда халқ орасида кенг тарқалган ижтимоий-сиёсий ғояларнинг асосини ташкил этган эди. Қонга ботирилган Қўқон мухторияти халқнинг шу мақсадлар учун кураши йўлидаги бир қадам бўлди. Мадаминбек ва бошқаларнинг сиёсий кураши режаларида ҳам миллий мустақиллик ғояси катта ўрин олганини инкор этиб бўлмайди.

Социализм қуриш даврида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, мустақил миллий давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги ғоялар амалга ошиши асло мумкин бўлмаган қуруқ шиоргина бўлиб қолаверди. Тоталитар сиёсий тузум миллий мустақиллик ҳақидаги ҳар қандай ҳаракатни ўзига душман билиб келди.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши, янги миллий жумҳуриятлар ташкил этилиши икки масала билан — маҳаллий халқларни бир-биридан бутунлай ажратиб ташлаш, Туркистонни марказнинг хомашё манбаи сифатидаги ҳолатини яна ҳам мустаҳкамроқ қилиб қўйиш билан боғлиқ эди. 67 йил давомида Ўзбекистон мустақил миллий жумҳурият, деб қаралган бўлса ҳам амалда унинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётининг барча соҳаларини бошқариш масъулияти марказнинг ихтиёрида эди. Мустақиллик ҳақидаги шовқин-суронлар бизни юпатадиган, жаҳон жамоатчилигини чалғитадиган бир ниқоб эди, холос.

Мустақиллик йўлида биринчи қадамни ташладик — биринчи тарихий ҳужжатни қабул қилдик. Бироқ сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан бошқаларга қарамликдан қутулганимизга қадар ўз бойликларимиздан, имкониятларимиздан ўзимиз тўла фойдалана олишимиз, хорижий давлатлар билан мустақил алоқалар ўрната олишимизга қадар бу мустақиллик омонат. Унгача мустақиллик қўлимизга қўниб турган бахт қушидир. Эҳтиёт бўлмасак, бу қушни учириб юборишимиз ҳам мумкин.

Мустақиллик қувончларини бу йўлдаги ташвишлар, қийинчиликлар билан бирга англамоқ зарур. Ўзимизга аён бўлиб турган қийинчиликларни енгиш йўлларини уларга дуч келгандагина эмас, балки ҳозирданоқ режалаштирмоқ керак. Агар биз биринчи қадамгина бўлган ғалаба нашидаси билан мағрурланиб юра берсак, эртага дастлабки қийинчиликларга дуч келибоқ довдираб қоламиз.

Бизни биринчи қадамимиздаёқ чалиб йиқитишга, иқтисодий ва сиёсий вазиятни кескинлаштиришга ҳаракат қилувчи кучлар тўлиб-тошиб ётибди. Ҳеч ким ўз мустамлакасини осонликча қўлдан бергиси келмайди. Бундай ҳаракатлар жонланганини, унинг моҳияти ва мақсадларини биз ҳозирданоқ аён сезиб турибмиз. Улар янада кучайиб бориши эҳтимолдан узоқ эмас. Орамизда шундай миллатфуруш кишилар ҳам топиладики, улар мустақиллигимизни ўз шахсий ёки гуруҳий манфаатлари йўлида сотиб юборишлари ҳеч гап эмас. Бундай хавфни ҳам асло иккинчи даражали деб бўлмайди.

Мустақиллик эълон қилинганнинг эртасигаёқ ўз-ўзидан кишиларнинг қорни тўйиб, усти бут бўлиб қолиши мумкин эмас. Афсуски, баъзилар шундай деб ўйлайдилар ҳам. Эҳтимол, мустақиллик меваларидан халқимиз тўла баҳраманд бўлиши учун яна 7—10 йил керакдир. Ҳурриятни орзу қилган кишилар бу йўлдаги қийинчиликларга ҳамжиҳатлик билан бардош беришга тайёр турмоқлари керак.

Ҳозирги асосий вазифа — мустақиллигимизнинг иқтисодий омилларини мустаҳкамлашдир. Россия Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин Туркистон ривожланиб бораётган метрополиянинг хом ашё базаси ва саноат маҳсулоти учун кенг бозорига айлантирилди. Сўнгги 73 йил ичида ҳам Ўзбекистонда саноат ривожланиши асосан шу йўлдан борди. Марказга бўйсунадиган йирик саноат корхоналари шундай ташкил этилдики агар иқтисодий алоқалар узилса, улар бутунлай маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан маҳрум бўлар эдилар. Йирик саноат корхоналарида ишлайдиган ишчи ва мутахассислар ҳам асосан марказдан кўчириб келтирилди. Бу ҳам ўлканинг иқтисодий аҳволини қарамликда ушлаб туриш йўлида кўрилган тадбирлардан бири эди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишига имкон берилмади. Умуман, Ўзбекистон саноати марказга қарам қилиниб мустақил ривожлана олмайдиган бир ҳолатга келтирилди. Бу оддий хато эмас, балки олдиндан белгиланган сиёсий режаларнинг оқибати эди.

**ҲОЗИРГИ АСОСИЙ ВАЗИФА** — шаклланган саноат таркибини тубдан ўзгартиришдир. Ҳар бир корхона маҳаллий хом ашё манбалари ва уларни тайёр маҳсулотга айлантириш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда барпо этилмоғи ёки қайта қурилмоғи керак. Лекин мустақилликнинг дастлабки даврида тараққиёт заминини мустаҳкамлаш учун ўз имкониятларимиздан тўла фойдаланмоғимиз керак. Йирик замонавий корхоналарни ташкил этишга аста-секин, малакали ишчилар ва мутахассисларни тарбиялаб, жумҳурият ихтиёридаги маблағларни кўпайтириш орқали борамиз. Ҳар бир қуриладиган корхона режалаштирилганида биринчи навбатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, шу билан бирга ички ва ташқи бозорнинг имкониятлари ҳисобга олинмоғи зарур.

Саноат юксалишига тезликда шароит яратмоқ молиявий, моддий-техникавий имкониятларимиз етарли бўлмагани учун дастлабки даврларда ишбилармонликнинг ривожланишига, қўшма корхоналар қурилишига кенг имкониятлар керак. Ҳозирги масъулиятли даврда барча раҳбарларни, корхона бошлиқларини, ишбилармон кишиларни хорижга чиқиб бевосита иқтисодий алоқалар ўрнатишига имконият яратиш яхши натижа беради. Бизга кўпроқ ўз манфаатини эмас, балки биринчи навбатда мустақилликка эндигина қадам қўяётган миллат, жумҳурият манфаатларини ўйлайдиган фидойилар керак. Пахта толасини тайёр маҳсулотга айлантириб жаҳон бозорига чиқишдан ташқари уни ғаллага, гўштга ва аҳоли, саноат эҳтиёжи учун керак бўлган бошқа хом ашё ва маҳсулотларга айирбошлаш мумкин. Нарх-navонинг тез-тез ўзгариб туришини ҳисобга олиб пахта етиштирувчи мамлакатларнинг халқаро уюшмаси ташкил этилса, ёмон бўлмас эди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда аҳоли эҳтиёжлари жаҳон бозори талаблари билан биргаликда ўрганилиши керак. Шу йилнинг ўзидаёқ шароити бўлган барча лалмикор ва бошқа ерларга буғдой экиш зарур. Бўш ерлар бўлса аҳоли ўз имкониятига қараб экиб ола берсин. Халқи тўқ бўлган мамлакатдагина фаровонлик бўлади. Ўзимизда ғалла қанчалик кўп бўлса, бошқа жумҳуриятлардан сотиб олиш зарурияти ҳам камаяди. Янги Иттифоқ доирасидаги иқтисодий алоқаларимиз кейинчалик қанча яхши бўлмасин, биз биринчи навбатда ўз имкониятларимизга таянишимиз керак. Сўнгги йилларнинг сабоқлари, иқтисодий муносабатлар борасида учраб турадиган таъна ва камситишлар кўзимизни очиб қўйди.

Чорвачилик борасида ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган усуллар анчагина чекланиб қолди. Энди чорвачиликни ривожлантиришда дунёдаги илғор мамлакатларда тўпланган тажрибани ҳам ўрганмоқ керак.

Россиядан ёғоч келтириш анча қийинлашди. Бунинг устига уларнинг нархи ҳам бениҳоя ошиб кетди. Шу сабабли барча режали шахсий хўжаликларга сувли ерлари бор ҳамма жойларга терак, қурилишда фойдаланиш мумкин бўлган бошқа дарахтларни экиш керак.

Омилкор деҳқонларга ер бериш, лекин уларнинг ҳамма ишларига аралаша бериш зарур эмас. Деҳқон учун ергина эмас, балки ноўрин ҳомийлик билан боғланмаган эркинлик ҳам керак.

Агар ҳозирги кунда савдо соҳасидаги ишбилармонларга хорижий мамлакатлар, мустақилликни қўлга киритган жумҳуриятлар билан бевосита алоқа қилиш имконини берилса, бу йўлда сунъий ғовлар қўйилмаса, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун яна бир имконият ҳосил бўлур эди. Бу борада ҳам рақобатга кенг ўрин бермоқ керак. Ноўрин воситачиликка йўл қўймаслик учун савдогарлар ўзлари келтирган молларини ўзлари сотишлари учун ҳамма жойда дўконлар очиб олишларига имкон бермоқ зарур. Ҳунармандчилик, албатта, ишлаб чиқариш тараққиётини белгиловчи асосий омил бўла олмайди, лекин халқнинг тарихий шаклланган маданий, малакавий анъанаси сифатида ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар ўсишига шубҳасиз таъсир этади.

Ҳунармандчилик халқнинг эҳтиёжларига, туризм билан боғлиқ бўлган имкониятларга мослашмоғи зарур. Туризмни йўлга қўйиш Ўзбекистон иқтисодий ҳаёти учун қандай аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Лекин бу ўринда кўп гапиришдан кўра Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишга ўтиш фойдалироқдир.

Миллий низолар гирдобига ўралиб қолсак, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида жуда катта қийинчиликларга учраймиз, мустақиллик ҳақидаги орзуларимиз ҳам барбод бўлади.

Агар биз миллий низоларга йўл бермасак, бошқалар ғаразли ниятлар билан четдан туриб уни ташкил этишлари ҳам мумкин. Бу масалани ҳам доим эътибордан чиқармаслик зарур.

Мустақилликнинг асосий омилларидан бири ташқи мамлакатлар билан бемалол алоқа қилишга имкон берадиган транспорт йўлларидир. Мустақиллигимизнинг мана шу омили ниҳоятда заиф деб ҳисоблайман. Бу ўринда Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Кавказорти давлатларининг аҳволи бизникидан анча яхшироқдир. Улар бирор кишининг қош-қовоғига қарамай, қўшни давлатлардан нажот сўрамай хориж билан алоқа қила берадилар.

Агар Россия орқали хорижга чиқиш имкониятлари чекланиб қолса, бизнинг иқтисодий аҳволимиз нима бўлади? Биз бу масала устида етарлича бош қотирганимиз йўқ. Бутун Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётини шу аҳволга олиб келган кучлар бу муаммони ҳам олдиндан яхши билганлар. Акс ҳолда юз миллиардлаб пулни БАМни қуришга сарфламай Ўрта Осиё орқали Форс кўрфазига чиқадиган темир йўл қуриш тўғрисида ҳам бош қотирган бўлур эдилар.

Ҳозир бутун Ўрта Осиё учун мустақилликни тўла маънода таъминлайдиган бир йўл бор. У ҳам бўлса Серахс ва Машҳад ўртасидаги темир йўлни биргалашиб қуриш ва Форс кўрфазига бемалол юк олиб бориш имконига эга бўлишдир. Бу — жаҳон аҳамиятига эга бўлган Трансосиё йўли бўлади. Бу йўл қурилса, Хитой, Курия, Япония, Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ, Европа мамлакатлари билан темир йўл орқали боғланиш мумкин. Трансосиё темир йўли қурилиши Ипак йўли сингари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Истанбул, Жидда, Сингапур, Теҳрон, Бежин сингари шаҳарлар билан Тошкент ўртасида ҳаво йўлларини очиш ҳам ҳеч иккиланиб ўтирмай ҳал этиладиган масаладир.

Ташқи мамлакатлар билан бевосита дипломатик алоқалар ўрнатиш, БМТга аъзо бўлиш мустақилликни ҳуқуқий таъминлашнинг, янги мустамлакачилик режаларини тузиб юрганларга сабоқ беришнинг муҳим шартидир. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, жаҳон ҳамжамиятининг ҳимоясига муҳтожмиз ва бундан кейин ҳам муҳтож бўлиб қоламиз.

**ҲОЗИРГИ КУНДА,** биринчи навбатда, Хитой, Туркия, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон сингари мамлакатлар билан бевосита алоқа ўрнатмоқ зарур. Имконият ва вазиятга қараб биз билан дипломатик муносабатлар ўрнатадиган мамлакатларнинг сони тобора ортиб боради.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йўли қўшни қардош жумҳуриятларнинг тараққиёти ва истиқболи билан боғланиб кетган. Биз қондош-жондош қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар билан асрлар давомида яқин қўшни бўлиб яшаганмиз. Ўрта Осиёдаги моддий ва маънавий маданиятни яратишга биргаликда ҳисса қўшганмиз, мустамлакачилик занжирлари ҳам ҳаммамизнинг оёғимиз ва қўлимизга озми-кўпми бир вақтда солинган. Бу ўлка халқларининг миллий озодлик учун олиб борган кураши ҳам бир-бири билан боғлиқ бўлган. Ҳозир ҳам иқтисодий, сиёсий аҳволимиз деярли бир ҳолатда бўлиб, саноат марказларининг хом-ашё манбаига айланиб қолганмиз. Мустақиллик йўлига ўтган Ўзбекистонга отилаётган таъна ва маломат тошлари эртага қозоқ, қирғиз, туркман биродарларимизнинг бошига ҳам ёғилиши мумкин.

Ўрта Осиёда Туркистон Федерацияси ёки конфедерацияси ташкил топиши мумкин, деган фикрлар шовинизм иллатларидан, ҳукмрончилик иштиёқларидан қутула олмаган баъзи кимсаларни ташвишга солиб қўйди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг муносабатларига раҳна солишдан иборат бўлган эски чоризм сиёсати ҳозир ҳам янги шаклларда намоён бўлмоқда. Бу ўлканинг тарихан дўст бўлган халқлари ўртасидаги муносабатлар янада яхшиланиши имконияти кимларгадир ёқмаслиги эҳтимолдан узоқ эмас. Шундай вазиятда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари мустақиллик сари бирдамликда, турли ғараз ва иғволарга учмай борсалар, ҳаммамизнинг мақсадимизга мос келар эди. Агар Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ўртасидаги чегараларни қайта кўриш ва бошқа масалалар юзасидан низолар, курашлар бошланса, бу ҳол кимларгадир қўл келар, лекин маҳаллий халқларнинг ҳаммаси хонавайрон бўлади, порлоқ истиқбол, чин мустақиллик ҳақида хаёл суриш ҳам мумкин бўлмай қолади.

Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши, деганларидек, агар минтақамизда бирлик, ҳамфикрлик бўлса, бизда пахта, ғалла, ипак, нефть, кўмир, мис, олтин, кумуш ва бошқа нарсаларнинг ҳаммаси бор, турли миллий камситишларга асосланган иқтисодий алоқалар ўрнатиш учун бўйин эгиб бировларни олдига боришга ҳеч эҳтиёжимиз йўқ. Ота-боболаримиз минглаб йиллар мобайнида яқин қўшни бўлиб, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириб келганларки, бу биз учун ибратли бир меросдир.

Шу мақсад йўлида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни режалаштирувчи, ташкил этувчи ягона доимий ташкилот тузилса, ёмон бўлмас эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун ягона парламент ташкил этиш ҳақида ҳам ўйлаш керак. Бу парламент беш йилга сайланиб, унда ҳар йили бир жумҳурият вакили раислик қилиши мумкин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларини катта ва кичикларга бўлиб бўлмайди. Барча масалаларни ҳал этишда улар ҳаммаси баробар ва тенг ҳуқуқли бўлиши керак. Ўртамизга низо солиш учун қилинаётган ҳар қандай уринишларга ҳаммамиз биргаликда зарба беришимиз зарур. Бундай иғволардан тарихда кўп марта куйганмиз. Бундан буён ўтмиш сабоқларини ҳисобга олиб оқилона иш кўрайлик.

Россия билан бўладиган иқтисодий, маданий муносабатлар ҳам жумҳуриятимиз учун катта аҳамиятга эга. Оддий рус кишилари ҳеч қачон ўзбек халқига ёмонлик раво кўрган эмас. Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, бошқа хом ашёлар Россия иқтисодий тараққиёти учун ниҳоятда зарур. Биз ҳам Россиядан келтириладиган ғалла, нефть, металл, кўмирга эҳтиёж сезамиз. Шундай экан, турли вазиятлардан қатъий назар, Россия билан бўладиган иқтисодий, маданий алоқаларни мустақиллигимизни таъминлаш ва халқ турмуш шароитини яхшилашнинг омилларидан бири деб қарамоқ керак. Ҳозирги шароитда бирорта жумҳурият бошқалардан ажралиб, атрофини темир қўрғон билан ўраб олиб яшай олмайди. Биз бир-биримизга аввал қанчалик керак бўлган бўлсак, бундан буён ҳам керак бўламиз.

Янги иттифоқ олдингидек «ҳур республикаларнинг бузилмас бирлиги» бўлмайди, балки мустақил давлатлар ўртасидаги шартномалар ва халқаро ҳуқуқ негизида белгиланган муносабатлар асосида ташкил топади. Бу иттифоқ қанчалик мустаҳкамланмасин, у мустақиллик йўли ва мақсадларига асло раҳна солмаслиги керак.

Янги мустақил давлатлар ўртасидаги умумий ҳарбий кучлар маълум давргача сақланиб келиши мумкин. Жумҳуриятларнинг иқтисодий аҳволи ва халқаро вазият яхшиланиши билан кўп сонли бўлмаса ҳам ўз армиямизга эга бўлишимиз, БМТ қуролли кучлари ҳимоясига таянишимиз зарур. Агар шундай бўлмаса, иттифоқчи давлатларнинг умумий, ягона ҳарбий кучлари Варшава шартномаси ҳарбий кучлари ҳолатига келиб қолиши, у ёки бу мамлакатларда норозиликлар бўлса уларни бостириш мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Биз ўз давлатимизни Хева хонлигининг «мустақиллиги» ҳолатига келтириб қўйишимиз асло мумкин эмас. Ҳаммамиз учун ниҳоятда масъулиятли бўлган ҳозирги шароитларда жумҳуриятимиздаги барча тараққийпарвар кучлар бирдам ва ҳамжиҳат бўлмоғи керак. Шахсий адоватларни, майда-чуйда ишлар юзасидан бўладиган келишмовчиликларни бир четга суриб қўйиш зарур. Маҳаллийчилик, тарафкашлик, гуруҳбозлик, мансабпарастлик иллатлари мустақиллик йўлидаги улуғ умидларимизнинг юзага чиқишини мушкуллаштиради, холос. Ҳозир ҳаммамизга юксак миллий онг, бирлик керак. Миллатпарвар кишилар учун олий мансаб бирор лавозим эмас, балки мустақиллик йўлида ҳалол хизмат қилишдир.

Асрлар бўйи орзу қилиб, эндигина биринчи қадам қўяётган йўлимизга хайрихоҳлар ҳам дунёда кўплаб топилади. Лекин шу нарсани аниқ айтиш керакки, олдимизда турган оғир, олийжаноб ва масъулиятли ишларни бажаришда фақат ўзимизга ўзимиз асосий ва энг ишончли суянчиқ бўламиз.

**МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ** ҳақида турли фикрлар, қарашлар бўлиши мумкин. Агар ҳар қандай сиёсий кучлар, ҳаракатларнинг ниятлари ҳақиқатан ҳам шу улуғ орзуни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, уларни уйғунлаштириш, фақат ва фақат ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлларини излашимиз лозим.

Яна шуни айтиш керакки, демократия ва ошкоралик ҳар ким ўз билган ишини қиладиган бебошлик эмас. Биз одамлар жамиятида яшар эканмиз, ҳуқуқимиздан ташқари, масъулиятимизни ҳам ўйламоғимиз керак. Ақлли одамлар яшайдиган ҳар қандай маданий жамиятда кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, ахлоқий, ҳуқуқий нормалар бор. Ҳар қандай демократия ва ошкоралик жамият ҳаётининг тарихан шаклланган ана шу асосларини заифлаштирмаслиги, поймол этмаслиги, балки мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак. Демократия ва ошкораликнинг қудрати қоғозда битилган қонун қабул қилингани билан эмас, балки уни ҳаётга жорий этишда асосий омил бўлган кишиларнинг юксак сиёсий онги ва маданияти билан белгиланади. Демократия ва ошкораликни ҳаётга жорий этиш ва улардан оқилона фойдаланиш маданияти энг катта раҳбардан тортиб оддий кишиларда ҳам заиф экани ҳар қадамда кўзга ташланмоқда.

Баъзи сиёсий маданияти паст одамлар ошкораликни фақат ўз фикрларини очиқ айтишга имкон берадиган ҳуқуқий асос, деб тушунадилар. Бошқалар ҳам шу ҳуқуқдан фойдаланиш йўлига ўтиб олсалар, туҳмат қилиб иғво уюштирадилар.

Демократия ва ошкораликнинг бир асосий мақсади бор, у ҳам бўлса тараққиётга, инсонпарварликка, ҳамма соҳада ижтимоий адолат тантана этишига хизмат қилишдир. Агар кимки бу масалани унутиб қўйса, янги ҳуқуқий имкониятлардан ўз шахсий ва гуруҳи манфаатлари йўлида фойдаланса, ўзига йўл очиш учун бошқаларнинг йўлини тўсиб қўйса, у ҳақиқий демократ эмас. Афсуски, бизда демократиянинг туб моҳиятини тўла англамай туриб, демократ бўлишга интилувчилар сони ортиб бормоқда. Демократия ҳақиқий демократлар қўлида бўлганидагина катта сиёсий кучга айланади. Раҳбарнинг имкониятлари ўз фикрига қаттиқ ишониши билангина эмас, балки бошқаларнинг фикрига, турли нуқтаи назарларга холисона, одилона, сабр, чидам билан қарай билишида ҳам намоён бўлади. Доноликнинг асосий мезони — билганидан кўра билмагани кўплигини англашдадир. Агар кимки ўз мулоҳазалари доирасини олий даражадаги ҳақиқат деб билса, ундай киши истиқбол сари оммани етаклаб бора олмайди. Камтарлик, бошқаларнинг фикрини холисона ўрганиш, ҳақгўйлик, инсонпарварлик — раҳбар учун олижанобликдир. Улуғ Навоий: «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», деб бекорга айтмаган.

Ҳозирги кундаги мушкул вазифаларни битта одамнинг кучи, ақли, идроки билан ҳал этиб бўлмайди. Агар битта раҳбар барча вазифаларни бажаришни ўз қўлига олса, бошқаларга ишонмаса, ўзгача фикр ва қарашларни менсимаса ёки таъқиб этса, ундай ҳолда ўзини ҳам, жумҳуриятни ҳам ҳалокатга олиб келади.

Жумҳурият президенти Ислом Каримов сўнгги йилларда Ўзбекистон ва бутун халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида катта ишлар қилганини инкор этиб бўлмайди. Тоталитар тузум, буйруқбозликка ўрганиб қолган марказдаги маъмурлар чекланмаган ҳуқуқлар билан Ўзбекистонга юборган «десантчиларни», уларнинг маҳаллий нонкўр, миллатфуруш ҳомийларини фош этишда, қатағонлик сиёсатига хотима беришда, «пахта иши», деган уйдирма асосида жазоланган минглаб кишиларни оқлаш ва оилаларига қайтаришда, 130 йил давомида мустамлака, марказ учун хом ашё базаси бўлган Ўзбекистоннинг обрўси, қадди-қоматини тиклаш борасида биринчи қадамлар қўйишда унинг хизмати катта.

Сўнгги йил ичида халқнинг турмуш даражасини яхшилаш учун имкони бўлган кўп ишлар қилинди. Буни кабинетдан чиқмайдиган зиёли ёки ҳокимиятпараст раҳбар яхши билмаса ҳам, ер олиб уй қураётган деҳқон, болалари учун қўшимча нафақа олаётган она, кечаю кундуз далада ишлаб эндигина қўлига пул тушаётган теримчи ва бошқалар яхши биладилар. Лекин уларни олий минбарлардан туриб сўзлашга, матбуот саҳифаларида фикрларини ёзишига вақти ҳам, имкони ҳам йўқ. Агар жумҳурият раҳбарлигида бошқа фидойи турганида ҳам мавжуд оғир шароитларда бу ишлардан ортиқ бирор-бир тадбирни амалга ошириши қийин эди. Четдан туриб, у қилинмади, бу қилинмади, деб таъна тошларини отиш осон, лекин амалий иш қилиш қийин.

Сўнгги йилларда қатор масалаларни ҳал этишда жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Умуман айтганда, шундай оғир, мураккаб даврда бехато ишлашнинг ўзи ҳам мумкин эмас эди. Бир одам атрофдаги барча хато, камчиликларни сеза олмайди. Бундай камчиликларни сезган ҳақиқий, виждонли фидойилар уларни бартараф этиш йўлларини ҳам ўйлайдилар, тўғри йўлдан бориш ҳақидаги холис фикр ва мулоҳазаларини ўртага қўядилар. Ҳозир йўл қўйилган хатолар ҳақидаги танқидий фикрлар кўпайиб кетди, лекин бу хатоларни тугатиш, камчиликларга чек қўйишнинг аниқ йўллари, режалари ҳақидаги фикрлар ниҳоятда кам. Фикримча, амалий иш қилиш қўлидан келмайдиган баъзи «тили бийронлар» сўнгги йилларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тузатишга ёрдамлашиш ўрнига улар ҳақидаги маълумотларни мансабпарастлик ва тарафкашлик мақсадларида тўплаб юришга, бир кун келиб вазиятни портлатишга ҳаракат қилаётганга ўхшайди. Агар шундай қилсак бир куни халқнинг мустақиллик ҳақидаги орзу-умидларини ҳам портлатиб юборамиз.

**ТАРИХНИНГ МУРАККАБ ВАЗИФАЛАР** билан тўлиб-тошган бурилиш даврларида оммага етакчилик қилиш сингари улуғ ишни ўз зиммасига олган кишилар учун тилёғламачилик қилувчи хушомадгўйлардан кўра оғир бўлса ҳам, бор ҳақиқатни рўй-рост айтувчи кишилар минг марта афзалдир. Агар шундай дадил кишилар бўлмаса, раҳбарларнинг кўзи юмилиб қолади, улар йўл қўйилган хатоларга ўз вақтида чек қўйиб истиқбол режаларини тўғри белгилай олмай қоладилар. Агар бор ҳақиқатни, йўл қўйилган камчиликларни очиқ айтган, бирор масалада ўз позициясини ҳимоя қилган кишилар таъқиб этилса, бу биринчи навбатда раҳбарнинг фожиасидир, у мавжуд ҳолатга очиқ кўз билан қарай олмай қолганининг ифодасидир.

Раҳбарларни, биринчи навбатда, мақтовларга берилиб кетиш касаллигидан халос этмоқ керак. Чексиз мақтовлар ҳар қандай раҳбар учун ҳам ниҳоятда оғир бир синовдир. Узоқни кўра билмайдиган кишилар тезда мақтовлар, хушомадгўйлар таъсирига берилиб кетадилар, ўзига бино қўйиб бошқаларни менсимай қўядилар, дунёда биттагина ақлли, ҳамма ишни тўғри ҳал қиладиган киши менман, деган хулосага келадилар. Раҳбарларнинг қўлида катта ҳуқуқ ва имкониятлар бўлган бизнинг шароитимизда бу жамият учун ниҳоятда ҳалокатли бир ҳолдир. Улуғ ёзувчи А. Қаҳҳор агар ҳадеб силай берсак, ҳўкизнинг териси ҳам тескари бўлиб кетади, деб бекорга айтмаган эди.

Сўнгги 73 йил ичида мамлакатимизда содир бўлган жуда кўп хато ва камчиликлар йирик раҳбарларни доим мақтай бериб кўзини юмиб қўйганимиз натижасида юз берганини унутиб бўлмайди.

Мустақиллик йўли равон ва текис эмас, балки кескин курашлар майдонидир. Бу йўлдан халқни бошлаб бораётган фидойи раҳбарлар ўртасида соғлом ҳамжиҳатлик, бир-бирига ишониш, қийин вақтларда бир-бирини қўллашга асосланган муносабатлар бўлмоғи зарур. Ҳозирги шароитда энг оқилона йўл — яккаҳокимликнинг ҳар қандай шаклига чек қўйиб, биргалашиб, турли фикр ва мулоҳазаларга сабр-тоқат билан қулоқ солиб, оғир юк ортилган мустақиллик аравасини бир томонга тортишдир. Мен ҳозирги Ўзбекистонни бўронли денгизда сузаётган кемадек тасаввур қиламан. Жумҳурият президенти шу улкан кеманинг сарбонидир. Сарбон кема борадиган манзилни аниқ белгилаши, рулни маҳкам ушлаб кемани шу томонга бошқариб бориши зарур. Кемада сарбондан ташқари турли вазифаларни бажарувчи мутахассислар ҳам бўлади. Улар ҳам ўз жойида мустаҳкам ва ишонч билан туриб вазифасини мустақил бажариши керак. Даҳшатли тўлқинлар кемани ғарқ қилиши мумкин бўлган шароитда командани тез-тез алмаштириб туриш ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди. Агар капитан бошқаларга ишонмаса, барча вазифаларни бажаришни ўз қўлига олиб олса, у вақтда кема ғарқ бўлади.

Мураккаб вазиятларда раҳбарлардан бирор оғир, ҳалокатли ишнинг олдини олиш учун қатъият ҳам талаб қилинади. Иродасиз, латтасифат раҳбарлар оғир шароитларда жамиятни бошқара олмай қоладилар. Бундай ҳол катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, миллий фожиаларга ҳам олиб келиши мумкин. Зарур бўлганида кескин чоралар кўриш ҳам жамиятдаги вазиятни яхшилашнинг бир йўлидир. Лекин қатъият ҳеч қачон фақат қаттиққўлликни билдирмайди. Қаттиққўллик билан бирор муаммони ҳал этиш мумкин, лекин бундай услубни жамиятни бошқаришнинг асосий йўлига айлантириб бўлмайди. Қатъият билан кўрилган ҳар қандай тадбирлар ҳам фақат ва фақат қонунлар доирасида бўлмоғи керак.

Марҳум Шароф Рашидовнинг бир сўзи ҳеч вақт ёдимдан чиқмайди. У киши учрашувлардан бирида шундай деган эди: «Қўпол муомала билан ҳеч кимнинг қалбига жароҳат етказиш керак эмас. Бундай жароҳатни ҳеч қандай шифокор ҳам тузата олмайди». Ш. Рашидовнинг олдига ўзига ёқмаган одамлар кирганида ҳам яхши муомала қилгани, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилгани ҳаммамиз учун ўрнак бўлмоғи керак.

Мустақиллик учун миллий бирлик ва бирдамликни ҳам кенг таъминлаш зарур.

Биз мустақилликка Фарғонада, Хоразмда, Тошкентда, Сурхондарёда бошқа-бошқа эришмоқчи эмасмиз. Ўзбекистон ўзбек халқининг асосий қисмини ўзида бирлаштирган дунёдаги ягона жумҳуриятдир. Мустақиллик Ўзбекистоннинг ҳамма ерида бирдек, бир мақсад асосида таъминланиши керак. Фарғонада, Хоразмда ёки бошқа вилоятларда алоҳида ҳокимият ўрнатмоқчи бўлган кучлар ҳам топилиб қолиши мумкин. Бундай йўл ўзбек халқига порлоқ истиқбол келтирмайди. Агар шу улуғ мақсад йўлида бораётиб бўлиниб кетсак, маҳаллийчилик умуммиллий манфаатлардан устун келиб қолса, оқибат нима бўлиши ақлли кишиларнинг ҳаммасига аён бўлса керак. Маҳаллийчилик шундай бир офатки, ундан вазият келганида, мустақиллигимиз душманлари усталик билан фойдаланишлари мумкин. Биз қайта бўлиниш учун эмас, балки янада жипсроқ бирлашиш мақсадида Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллиги йўлини танладик.

Матбуот саҳифалари орқали бизга ёққан услубда фикрловчи кишиларнигина эмас, балки Муҳаммад Солиҳ, Эркин Воҳидов, Зоҳид Ҳақназаров, Гулчеҳра Нуруллаева, Абдураҳим Пўлатов сингари ўз мустақил нуқтаи назарига эга бўлган кишиларнинг қарашлари билан ҳам танишсак, умумий йўлимиз муддаоларини кенгроқ тасаввур қилиш имконига эга бўлур эдик. Истиқлол ҳақида чуқур ўйлаган миллатпарвар кишилар бу борада бизга ноўрин маслаҳатлар бермаса керак. Ҳозир гап сиёсий кураш майдонига чиққан кишиларни «ёмонлар» ва «яхшиларга» қатъиян бўлиб ташлашда эмас, балки ҳар қандай фикр ва мулоҳазага истак, сабр ва чидам билан қулоқ сола билишдадир. Ким ёмон, ким яхши эканини бирор гуруҳ ёки бир шахс баҳолай олмайди, балки халқ баҳолайди. Қайси фикр тўғри ёки нотўғри эканини тарих тажрибаси исботлайди.

Бу мақсад йўлида матбуот соҳасида, оммавий ахборот воситаларида демократия ва ошкораликка кенг йўл очиб бериш керак. Ҳозирча биз бу борада сезиларли ютуқларга эришганимиз йўқ. Газета ёки телевидение орқали бирор фикрни очиқ айтишга одамнинг юраги ҳам безиллаб қолди.

Мустақиллик муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда, президент кенгашининг аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир. Яхши ниятлар билан ташкил этилган бу орган ҳали етарли самара бергани йўқ. Мен бу кенгашнинг аъзоси сифатида ўз фаолиятимдан рози эмасман.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИ** самарали ишлаши учун унинг таркибига хориждан келган мутахассислар, ишбилармон кишиларнинг вакиллари, йирик мутахассислар, диний ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий партияларнинг вакиллари кирса, бу орган ойида ҳеч бўлмаганда икки марта йиғилиш ўтказса, яхши бўлур эди. Кенгаш аъзоларининг маълум қисми бошқа жойда ишламай шу ерда иш билан таъминланса, ёмон бўлмас эди. Кенгаш аъзолари мунтазам жойларда бўлиб туриши, вазият ва жамоатчилик фикрини чуқур ўрганиб бориш асосида оқилона қарорлар қабул қилишга кўмаклашмоғи зарур. Кенгаш аъзолари президентнинг жойлардаги кўзи ва қулоғи бўлмоғи керак.

Мустақилликнинг қувонч ва ташвишлари кўп. Мен баъзи масалалар юзасидан ўз фикримни билдирдим, холос. Айрим кишилар менинг фикрим билан келишмасликлари ҳам мумкин. Ҳозирги кундаги энг муҳим масала биз танлаб олган мустақиллик йўли режалари ҳақида эркин фикр алмашишдадир. Агар шундай қилсак, умумий ишимиз ривож топишига ҳисса қўшган бўлур эдик.

## ШЎРТАН БОЙЛИКЛАРИ

Қашқадарё вилоятидаги Шўртан газ конлари мустақил Ўзбекистонимизнинг улкан бойликларидан бири ҳисобланади. Бу ерда қазиб олинаётган кўп миқдордаги арзон ёқилғи шаҳар ва қишлоқларимизни газлаштириш учунгина эмас, айни пайтда, электр қуввати ишлаб чиқарувчи улкан ГРЭСлар учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Ҳозирги пайтда Сирдарё ва Тошкент ГРЭСлари Қашқадарё гази билан ишламоқда. Тезкорлик билан қурилаётган Толимаржон ГРЭСини ҳам Шўртан конлари газ билан таъминлайди. Бундан ташқари, ҳозир Қашқадарё вилоятининг кўплаб қишлоқ ва шаҳарларини табиий газ билан таъминлаш учун қувурлар тортилмоқда. Ўз навбатида Шўртан газчилари ер остидан қазиб олинаётган бебаҳо бойлигимизни исроф этмаслик, унинг таркибидаги қимматбаҳо моддаларни ажратиб олиш учун мураккаб технология жараёнларини такомиллаштирмоқдалар. Унинг базасида қўшма корхоналар қуриш, газ ёқилғисини асраб авайлаш, қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалари тузилмоқда. Суратлар мухбиримиз Содиқжон Маҳкамов олган ушбу суратларда Шўртан газ комплекси кўпминг кишилик жамоасининг ҳаётидан лавҳалар акс этган.



Аввал хабар қилинганидек, бир гуруҳ ижодкорларга адабиётимизни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилган эди. Шулар орасида «Ёш куч» ойномасининг муҳаррири, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев ҳам бор. Бу галги суҳбатимизни таниқли адиб давом эттиради.



*Худойберди* ТЎХТАБОЕВ:

# КЕЛАЖАКДА ЭЪТИҚОД УСТИВОР БЎЛАДИ

**● БОЛАЛАР АДАБИЕТИ — КАМСИТИЛГАН АДАБИЁТ.**

**● БОЛА ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАНСА, ЖАМИЯТНИНГ КЕЛАЖАГИ ШУНДАЙ БЎЛАДИ.**

**● БОЛАНИ ҚАТТИҚ ВА МЕЪЕРИДАН ОРТИҚ ИШЛАТГАН ОТА-ОНА ЁКИ КОРХОНАНИ ҚОНУННИНГ ҚАЙСИ МОДДАСИ БИЛАН СУД ҚИЛИШ КЕРАК?**

**— Халқ ёзувчиси деган унвонга мушарраф бўлдингиз. Сизни кўпсонли муштарийларимиз номидан қутлаймиз. Кўнглингиздан ўша асонда нималар кечди! Умуман, мукофот сизга — инсон ва ижодкор сифатида қандай таъсир кўрсатди!**

— Қутлов учун раҳмат! Лекин унвон эълон қилинган асонда кўнглимдан қарама-қарши фикрлар кечди, десам тўғрироқ бўлар. Яъни, дилимда бир жиҳатдан қониқиш, мамнуният, фахрланиш ҳисси уфурган бўлса, бошқа бир жиҳатдан уялдим, шу унвонга арзимайманми, дея истиҳола қилдим. Кейин яна «хўш, нега арзимас эканман, ахир менинг асарларим дунёнинг кўпгина мамлакатларида қайта-қайта чоп этиляпти-ку. Биргина Украина билан Олмонияда ярим миллиондан, Болтиқбўйи жумҳуриятларида салкам бир миллион нусхада чоп этилди-ку», дея ўзимга-ўзим тасалли бердим. Гоҳо, хаёлимдан, эсизгина, ўн йил давомида кечаю-кундуз тинмай фельетон ёзгандан ёки шунча йиллардан буён сержанжал ойномага муҳаррирлик қилгандан кўра тинмай бадиий асарлар ёзсам бўлар экан, деган ўхшаш армонли фикрлар ҳам ўтди. Ҳатто ширмонбулоқлик китобхон Азизбек Жабборовнинг «Ҳурматли Худойберди ака! Фикримни очиқ ёзаётганим учун хафа бўлманг: ойномага муҳаррир бўлганингиздан қаттиқ норозиман, фақат мен эмас, тенгкур ўртоқларим ҳам шу фикрда — ойномага маҳлиё бўлиб қизиқ-қизиқ асарлар ёзмай қўйдингиз. Тезроқ ойномадан воз кечиб, асар ёзишга ўтишингизни қатъиян талаб қиламан», деб ёзган мактуби ҳақида ҳам ўйладим.

Хуллас, ўша дақиқаларда ўзим-ўзимга ўхшамас эдим. Лекин, барибир, қувонч, фахрланиш ҳисси барчасидан устун эди.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига келсак. Бизда, ўзингиздан қолар гап йўқ, руҳиятни (психологияни) тадқиқ қиладиган илм ҳам, йўналиш ҳам йўқ ҳисоби. Шунинг учун руҳиятнинг турли палла ва босқичларини, кечмиш жараёнларини тадқиқ қиладиган чинакам илм пайдо бўлиб, ривож олиши керак, деб биламан. Мукофотнинг инсон шахсига таъсири, бу мураккаб жараён. Агар шахс мукаммал шаклланган бўлса, имони бақувват бўлса, у на мукофот, на танбеҳ олдида эсанкираб қолади. Ҳар қандай мукофот рағбат, меҳнатга берилган баҳодир. Ўзингиз яхши биласиз, инсон эсини танигандан бошлаб то умрининг охиригача унинг руҳи рағбатни қўмсайди. Шу учун раҳмат билан ташаккур маданиятли халқларда ахлоқ нормаси сифатида қабул қилинган. Демак, ҳар қандай инсон ўз меҳнати қадрланишини гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона бўлса ҳам кутади, умидвор бўлади. Лекин шу умидворлик қай даражада — гап мана шунда. Тўғри, унвонпарастлик, мукофотпарастлик касали йўқ эмас. Бир япон адиби «Шуҳрат кишининг гарданида бўлади, киши қайрилиб қарамоқчи бўлса, бўйни узилади», деган экан. Худо ўша кундан асрасин. Аслида ёзувчининг юксак мукофоти ўз ўқувчисини топиб олишидир.

Хуллас, унвон олгунча қандай бўлсам, ҳозир ҳам заррача ўзгарганим йўқ. Фақат бир нарсани янада қаттиқроқ англадим: китобсиз қолаётган болалар учун ёзмаслик, уларга ғамхўрлик қилмаслик гуноҳдир!

**— Кўп йиллардан бери болалар адабиёти ва болалар китобхонлиги масаласи билан қизиқасиз. Бу борада турли жойларда кузатишлар ҳам олиб боргансиз. Ҳозиргача бўлган кузатишларингиз натижалари, якунлари ҳақида нималар дея оласиз! Муаммоларни ҳал қилиш йўллари борми!**

— Ҳар бир киши бир неча соҳага қизиқиши мумкин. Табиийки, шулардан бири устиворлик қилади. Болалар китобхонлиги билан қизиқа бошлаганимга анча йиллар бўлиб қолди. Фельетончиликни ташлашимга ҳам шу қизиқишим сабаб бўлди. Фельетон — иллатни фош қилувчи жанр, иллатли киши эса яхши тарбия кўрмаганлик оқибатидир. Инсон болаликда шаклланади. Демак, ёзувчи маълум маънода ўзини тарбиячи деб ҳам ҳисоблайдиган бўлса, бола шахси шаклланаётган паллада кўпроқ тер тўкиши керак.

Бола китоб ўқишга ўрганса, китоб ўқиётган дақиқаларида ҳамиша ўзи билан қаҳрамонининг ҳолатини ўлчаб боради: яъни, қаҳрамон шу ҳолатда ўзини мана бундай тутди, мен ўзимни қандай тутардим, у бундай деди, мен нима дер эдим, у шафқатсизлик қилди, мен ҳеч қачон бундай қилмаган бўлардим, у аёлни эъзозлади, мен ҳам онам билан синглимни ана шундай эъзозлайман, дея ўзи тўлиқ англамаган ҳолда хулқи, ахлоқи, характерини ўлчаб, таққослаб руҳида азал-азалдан зоҳир бўлган раҳм-шафқат, юртсеварлик, олижаноблик, дилбарлик сингари табиат ато қилган гўзал фазилатларни жонлантиради. Шу асонда шахснинг шаклланиши — ўзини англаш жараёни ҳам тезлашади. Ўзини, ўзлигини англамаган шахслардан иборат бўлган жамият кўп нарсага қодир эмас. Болтиқбўйи жумҳуриятлари, хусусан Грузиянинг бугунги мустақиллигини ўзини англаб ўсган кечаги болалари таъминлади. Ўша жумҳуриятларда болалар китобхонлиги юксак даражага кўтарилган — бола бошига 9—11 нусхадан китоб чоп этиляпти. Бизда эса, айтгани тилинг ҳам бормайди, ярим нусхадан чаватидек юпқа китоб улашиляпти, холос. Эҳтимол, шунинг учундир кўпинча қуллик билан озодликнинг фарқига бормайдиган бўлиб қолганмиз.

Иттифоқ ҳукумати узоқ йиллар давомида ана шундай сиёсат олиб борган эди. Ўзини англаган жамиятдан англамаган жамиятни бошқариш осонроқ бўлади, деб ўйлаган бўлишса керак. Лекин ўша тарбияни олган ўзимизникилар ҳам чакки эмас. Болаларга атаб катта дошқозонда овқат тайёрлаяпмиз деб эълон қилишадию, болалар йиғилгунча ўзлари пок-покиза тушириб, ҳукуматни айблаб туришаверади.

«Гулхан» журналида муҳаррир бўлиб юрган пайтимда Москвада иттифоқ ёшларининг техника маданияти конкурси ўтадиган бўлди. Юборилган тахминий саволларга 3—4 ой давомида обдон тайёргарлик кўрдик. Конкурс «Звездочка» меҳмонхонасининг залида бошланди. Мутасадди ўртага чиқиб «Азиз дўстлар, конкурс учун юборилган тахминий саволлар бекор қилинади, ким нимани билса, ана шуни намойиш қилсин», дея эълон қилиб қолса бўладими! Саҳнага гоҳ бузуқ магнитофонни, гоҳ бузуқ телевизорни, гоҳ дазмолни, ё электр чойнакни чиқариб қўйишяпти. Билмадим, шунча бузуқ нарсани Москвадан қандай топишдикан? Терлаб-пишиб икки кун ўтирдик ва охири ўн еттинчи ўринни олдик, чунки ўн саккизинчи ўрин йўқ экан. Мутасадди: «Ўзбекистонлик дўстлар болаларингизни конкурсга эмас, ҳаётга тайёрлашингиз керак эди. Конкурс бир кунлик, ҳаёт эса узоқ давом этади», дея танбеҳ берди. Қайтгач, болаларга техника адабиёти бизда қандай нашр этилаётгани билан қизиқдим. Ишонасизми, бир рус муаллифининг «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Ўзинг ясаб ол» номли китобчасидан бошқа ҳеч нарса топмадим.

Аҳвол ҳозиргача ўзгаргани йўқ!

Дунё болалари ҳар бири ўттиздан ортиқ жанрда китоб ўқияпти. Биз эса ҳиссиз шеърияту, таъсирсиз насрдан нарига ўтолганимиз йўқ.

Афсус, минг афсус!

**— Болалар китобхонлиги масаласида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар кўп экан. Болалар адабиёти, улар учун яратилаётган асарлар даражаси-чи!**

— Болалар китобхонлиги тараққий этган мамлакатларда фан даражасига кўтарилган. Собиқ ГДР, Чехословакия, АҚШ сингари мамлакатларда болалар китобхонлиги билан махсус институтлар шуғулланади. Тўйиб овқат емаслик жисмонан яхши ривожланмасликка сабаб бўлганидек, маънавий ва руҳий дунё шаклланаётган паллада маънавий гўзалликдан маҳрум бўлиш — маънавий мажруҳликка олиб келади. Бу бор гап. Дуч келган таомни истеъмол қилиш ошқозонни ишдан чиқарганидек, дуч келган китобни ўқиш ҳам бир фожиадир. Танлаб ўқиш ҳам бир санъат, маданиятнинг бир кўриниши. Кёлн шаҳрида болалар китобхонлигига шаҳар мэрининг шахсан ўзи раҳбарлик қилади, болаларнинг ёши ва қизиқишига қараб китоб танлаш иши билан маош олиб ишлайдиган махсус комиссия шуғулланади. Литвада ҳар ойнинг охирги ҳафтаси, охирги кунида бутун мактабларда китобхонлик соати ўтади. Каттаю-кичик бир хилда иштирок этиши шарт қилиб қўйилган. Эстонияда ҳар олти ойда болалар ва ўсмирлар ўқишлари мумкин бўлган китоблар рўйхати мунтазам эълон қилиниб борилади. Қани айтинг-чи, бизнинг жумҳуриятимизда қайси туман ёки шаҳарнинг маҳаллий ҳукумати, ёки раҳбари болалар китобхонлиги билан шуғулланибди, қайси ойнома ёки рўзномамиз бу хусусда қайғуриб, зарур китоблар рўйхатини эълон қилибди, тавсия билан чиқипти. Ёзувчилар уюшмамизнинг бирон кенгашида болалар китобхонлиги бош масала қилиб қўйилганлигини эслай оласизми? Бу иш билан кўпроқ шуғулланиши керак бўлган жумҳурият педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ходимлари эса, очиқ айтганим учун мени кечиринг, бир-бирининг устидан ёзиб ва шу ёзгани учун давлатдан маош олиб кун ўтказяпти.

Қизиқ, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида назорат бор. Район халқ таълими бўлимларида эса бу керагидан ортиқ. Лекин салкам ўн миллионлик болалар ва ўсмирлар китобхонлиги эса ҳалигача давлат назоратига олинган эмас.

Бугунги кундаги ўзбек болалар адабиётида яратилаётган асарларга келсак — улар баҳоли қудрат чоп этиляпти. Иттифоқ, дунё миқёсига чиқадиган ва маънавиятимизни кўз-кўзлайдиган даражада бўлмаса ҳам, ҳар қалай, яратиляпти. Бир донишманд энг бемаза асар миллий адабиётга тақлид қилишдан юзага келади деган экан. Бир-биримизга тақлид қилсак ҳам, чор-ночор, яратиб турибмиз. Уларнинг савияси ҳақида эса, яхшиси гап очмай қўя қолайлик.

**— Жумҳуриятимизда аҳолининг турмуш даражаси ниҳоятда паст. Шу сабабли айрим соҳаларда меҳнат ҳақларининг оширилиши, янги ишлаб чиқариш усулларининг пайдо бўлгани яхши бўлди. Лекин, айни пайтда, бу қишлоқларда айрим оилаларнинг иқтисодий қаддини тиклаб олиш мақсадида болалар меҳнатидан фойдаланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратиб бермаётибдими! Авваллари мактабда хизматкорга айланган бола энди оилада пахта қулига айланмаётибдими!**

— Ҳамма жамиятда ҳам болалар ишлаган, бундан кейин ҳам ишлайди, лекин ўтган жамиятларда боладан ишчи кучи сифатида эмас, балки унга касб-ҳунар ўргатиш, касб маданиятини ҳис қилдириш, вужудида бор бўлган туғма қобилиятга ривож бериш учун ишлатган. Лекин биз уларни росмана текин ишчи кучига айлантириб олдик. Ноҳиянинг 53 минг тонналик пахта планидан 40 минг тоннасини болаларга тердириб, баракалла аканг айлансин, дея елкасини силаб қўяверганмиз. Оқ олтинни олтин қўллар яратади, дея гўдакларнинг нозик қўлчаларини косовга айлантириб олган эдик. Ишламаса бўлмасди — олти миллион тоннани йиғиштириб бўлмасди, йиғиштириб олганимиз билан ҳам қорнимиз тўймасди. Бу ҳақда Американинг бош иқтисодчиси Леонтьев билан ўзимизнинг Шаталин суҳбатида шундай фикрлар билдирилади:

«Леонтьев: — Маркс сиёсий иқтисод таълимотини яратаётганда ҳозирги ишчи авлоди ўзи ишлаб чиқарган моддий қийматнинг камида 50—60 фоизини олмагунча қулликдан қутулмайди деган эди. Япония, Жанубий Корея, Финляндия мамлакатларида ишчилар ўзлари яратган моддий қийматнинг 60—70 фоизини олаяпти. Хўш, сизларда аҳвол қалай?

Шаталин: — Бизда 10 фоиздан кўпроғини олаяпти.

Леонтьев: — «Рақамингиз хийла эскирганга ўхшайди. Сизларда моддий қиймат яратувчилар яратган қийматларининг 8 фоизини олишади...»

Иттифоқимизда аҳвол ана шундай эди. Жумҳуриятимизда-чи? Аҳвол ундан ҳам баттарроқ эди. Бир томони мақтанчоқ маъмурий раҳбарларнинг шафқатсизлиги ва яна бир томони ота-оналарнинг топгани бошига етса, оёғига етмаётганлиги болалар меҳнатини, болаликни эксплуатация қилишни авж олдирган эди.

Энди-чи?

Аҳвол унча ўзгаргани йўқ. Обуна ташвиши билан Бухоро, Фарғона вилоятларининг кўпгина туманларида бўлдим. Ўнлаб хўжаликларда, афсус, минг афсуски, қўл билан териладиган пахта асосан мактаб ўқувчилари зиммасига юклаб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдим. Ғафур Ғулом номидаги хўжаликнинг пахта режаси бажарилмабди. Раҳбарлар Макаренко номли мўъжазгина мактаб ўқувчиларига кунига 500 килограмм пахта топиб келасан, бўлмаса тўрт томонинг қибла дея шарт қўйишибди.

Энди мана бу латифани бир эшитинг: «Шифохона битгач, уни болаларга беришибди. Вилоятдан комиссия келиб, бир хонага кирса 12—13 ёшли болалар ётганмиш.

— Қанақа касал билан ётибсизлар?

— Асабиймиз.

— Ия, нега асабийсизлар?

— Мактабда дарслар оғир, дарслик етишмайди. Уйда иш, далада пахта — шуларни ўйлайвериб асабий бўлиб қолганмиз.

Комиссия бошқа хонага ўтса 9—10 ёшли болалар ётганмиш:

— Сизлар қанақа касал билан ётибсизлар?

— Биз ҳам асабиймиз. Уй вазифаларини кўп беришади, уйда мол боқтиришади. Арендага ер олганмиз, фойдасининг қанчаси колхозгаю қанчаси бизга тегади — шуларни ўйлайвериб асабий бўлиб қолганмиз.

Комиссия учинчи хонага ўтади. Беш-олти ёшли болалар ётганмиш.

— Сизлар қайси касал билан ётибсизлар?

— Амаки, биз ҳаммамиз ашабиймиз.

— Ия, сизлар нега асабийсизлар?

— Боғчада ўйинчоқ етишмайди, иштонимизни ҳўл қилиб қўйсак, алмаштириб қўйишмайди. Кейин, амаки, пахта планини Боғдод райони олдин бажарадими ёки Бувайда райони олдин бажарадими? Мана шуларни ўйлайвериб ашабий бўлиб қолдик...»

Гап латифада эмас, гап ундаги болаларнинг фарёдида! Оғир меҳнат туфайли нафақат жисмонан, кўпинча, уларни руҳан ҳам майиб қилаётирмиз. 1938 йил билан 1988 йил орасида Фарғона халқининг бўйи ўртача 5 сантиметрга пасайибди, аскарликка олинаётган йигитчаларнинг ўртача вазни 46—47 килограммга тушиб қолибди!

Болаларни эксплуатация қилишни бас қилиш керак эди. Лекин уни ким назорат қилади, ким? Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги Декларациясида уларнинг эрки ва ҳуқуқига тажовуз қилган ҳар қандай шахс ва ҳуқуқий уюшма жиноий жавобгарликка тортилади дея қайд қилинган. Қани айтинг-чи, ўз фарзандини эксплуатация қилгани учун қайси ота-она ёки тасарруфидаги ҳимоясиз болаларни қаттиқ ишлатгани учун қайси ташкилот, ёки корхона суд жавобгарлигига тортилди?

Болалар ва болалик ҳуқуқини ҳимоя қилишни ҳукумат ўз назоратига олмагунича бу аянчли аҳвол давом этаверади. Гапнинг лўндаси шу.

**— Адабиётимиз келажаги қандай бўлади, келгусида ижоддаги энг асосий муаммо нима бўлади, деб ўйлайсиз!**

— Адабиётнинг бош вазифаси, менимча, инсон ва жамият руҳий ҳолатини таҳлил қилиш орқали жамиятда йиғилиб қолган муаммоларга фикр билдиришдир. Фикр билдириш минбарлар атрофида бақириш-чақиришлар орқали, лавозиму, курси талашиш орқали эмас, балки бетакрор образлар, гўзал асарлар орқали бўлса яна ҳам соз бўларди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубовнинг эл оғзига тушган салмоқли асарлари амал курсисида ўтириб ёзилган эмас. Амал курсиси бекорга берилмайди ва олинмайди ҳам. Амалдор хоҳласа, хоҳламаса мавжуд система, ҳукмрон ғоянинг қўриқчиси, ҳимоячисига айланади. Ёзувчи эса мавжуд системага кўпинча оппозицияда бўлиши, яъни ҳеч муросага бормайдиган танқидчиси бўлиши керак. Шу маънода сўнгги қурултойимиз менга ёқмади.

Социализм ғояси ўлди.

Социалистик реализм услубининг миси чиқди.

Ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ғолибларига бағишланган асарлардан ўқувчининг кўнгли қолди. Энди адабиёт халқнинг миллий руҳини кенгроқ, чуқурроқ акс эттирадиган эркин адабиёт бўлади. Ислом маданияти ва қадриятлари, Шарқ фалсафаси ва бу фалсафадаги Инсон таърифи таҳлили кучаяди. Илоҳий руҳ, табиат, инсоннинг уйғунлиги мавзуларнинг мавзуси бўлади. Меҳнат қаҳрамонларидан кўра энди Имонли Кишилар образи кўпроқ яратилади.

Суҳбатдош **К. МАТЁҚУБОВ**

МУТОЛАА

# ТУГАМАЙДИГАН ЎҚИШ

ҲАЗРАТ МУҲАММАД Содиқ Муҳаммад Юсуф Қуръон каримнинг йигирма тўққизинчи «Таборак» порасини ҳам тафсирлаб чиқдилар ва бу муборак тафсир яқинда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг нашриётида чоп этилди.

Сал илгарироқ муаллиф ҳазратлари муқаддас китобнинг «Аимма» порасини муваффақият билан тафсирлаган ва кўпчилигимиз уни ўқишга муяссар бўлган эдик.

Муаллифнинг Ислом таълимотларини ўз замондошлари ҳамда ватандошларига етказиш, тушунтириш ва шу орқали улар имонини тарбиялаш, мустаҳкамлаш мақсадида ғайрат билан олиб бораётган ижодий ишлари таҳсинга лойиқ. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг 1991 йилда «Камалак» нашриётида босилган, Исломни ўрганиш жиҳатидан ҳар томонлама қизиқарли бўлган рисоласи ҳам ўйлаймизки, кўнгилларнинг кўзини очиш, маънавиятнинг қуриб қолаёзган оғочларига ҳаётбахш сув югуртиришга хизмат қилади.

«Имон» рисоласини шоён диққат-эътибор билан ўқиганда ҳам, «Таборак» пораси» («Тафсири ҳилол» туркуми) билан танишганда ҳам, одамнинг эътибори аввало бир нарсага жалб бўлади. Муаллиф ўз эътиқоди ва ишончида собит, муҳаббатида пок ва фозил. «Жамият ҳар жиҳатдан таназзулга юз тутган бир пайтда, — деб ёзади «Имон» рисоласининг дебочасида муаллиф, — хусусан, маънавий инқирознинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли сифатида Исломдан нажот кутилмоқда. Дарҳақиқат, кишиларни, қолаверса, халқимизни ғайриинсоний хатти-ҳаракатлардан халоскорлик вазифасини Ислом ўз зиммасига олишга тайёр». Муаллифнинг мана шундай катта ишончи кўп ҳолларда унинг ўқувчиларининг ҳам ишончига айланади.

Муаллиф рисолада ҳам, тафсирда ҳам ўз олдига жуда кўп саволларни қўяди ва қанчалар мураккаб бўлмасин, уларга диний-руҳоний илм йўли билан жавоб беришга аҳду жаҳд қилади. Тафсирдаги Од қавми қиссаси, Нуҳ қиссаси, Юнус қиссаси, Жинлар ҳақида қисса ва суралар, оятларнинг дунёга келиши воқеалари ва тарихлари, «Имон» рисоласида эса Аллоҳнинг борлиги, Қуръон каримнинг нозил бўлиши, Қуръон ва табиат, Қуръон ва инсон, Қуръон ва илм, Қуръон ва ахлоқ, Ислом ва ҳозирги замон илм-фани ҳамда Кадар, Ихтиёр, Ҳидоят, Охират, Руҳ, Имтиҳон каби тушунчалар устида қилинган тадқиқотлар муаллиф нечоғлик кенг билим ва илмий салоҳиятга эга эканлигини равшан кўрсатади.

Ўз хаёлимда мен «Таврот», «Инжил», «Забур» ва инсониятга ато этилган бошқа муқаддас битиклар катта ҳарфлар билан ёзиладиган Инсонни яратишга чорланган ва фақат шунга хизмат қилади деб юраман.

Инсон азалдан яралган. У бир нарсадан иккинчи нарсага айланган эмас. У азал бошдан инсон қилиб яратилган ва бунинг учун саноқсиз, ҳудудсиз вақт кетган ва бу ҳудудсиз маконда, коинот чексизлигида рўй берган. Вужуднинг яралиши учун миллион-миллион йиллар кетти. Лекин руҳнинг яралиши учун-чи? Руҳ ва маънавият вужуд билан бирга яралиб бордими ёки у анча кейин айтайлик, йигирма-ўттиз минг йиллар бурунгина пайдо бўла бошладими?

Руҳ балки нутфа (коинот томчиси) билан бирга йўргаклангандир. Нутфани руҳ чулғаган эди. Нутфа — азал томчига — руҳ муҳофиз бўлди. Вужуд тугал шаклланиб етганда, маънавиятга эҳтиёж уйғонди. Яратган шу эҳтиёж учун инсониятга муқаддас битиклар берди. Улар маънавий инсон зотини яратдилар.

Маънавият нима? Маънавият билан бирга Худо одам боласига ўзини ўзи яратишдек чексиз буюк имконият ва салоҳиятни ато этти. Маънавият бўлмасайди, одам ўзини ўзи яратолмас, идора қилолмас, табиатнинг ашаддий зиддиятлари ичида, азалий туғилиш ва азалий емрилиш ичида фақат махлуққа айланиб қоларди.

Мен чумолини кўп ўйлайман. Чумоли ҳеч нарсадан қўрқмаслигига эътибор берганмисиз? У шернинг панжаси орасида бемалол юравергандек, филнинг қулоғи ичида ҳам қўрқмай чопаверади. Чумоли кирмаган ва етиб бормаган нуқта йўқ. Чумоли ўзига ширин туюлган ҳар қандай ширин нарсани тортинмай истеъмол қилаверади. Ана шу қўрқмаслик ва ана шу тортинмасликнинг бош сабаби нима, биласизми? Бош сабаби: чумоли маънавият билан қизиқмайди. Чумолининг вужуди маънавиятни кўтаролмайди ва сиғдиролмайди. Табиатда одамдан ўзга ҳеч бир махлуқ маънавиятни кўтаролмайди. Одамни маънавиятгина коинотнинг ўзга махлуқот дунёсидан фарқлантириб туради. Лекин одамда маънавиятнинг шаклланиши ва барқарор туришида коинотдаги бошқа жамики маҳлуқотлар бевосита ёки билвосита иштирок этадилар.







Агар тумтароқ бўлиб туюлмаса, мен айтган бўлардим: Қуръон бутун қудрати ва илоҳийлиги билан маънавий инсон учун курашади! Бу курашда у инсон билан табиатнинг уйғунлигига асосланади. Илоҳ, табиат ва инсон унда бир бутундир. Яъни Яратган ўз яралмишлари билан уйғун ҳолдадир. Оллоҳ ўз каломини одам болаларига уқтириш учун уларни кўп маҳал ўзи яратган кучларга, ҳодисаларга суяниб туриб айтади. Ой билан, Қуёш билан, Тун билан, Шамол билан, Қиёмат билан, Юлдузлар, Фаришталар билан қасам ичиб калом айтади.

Бу айтилаётган каломнинг илоҳийлигини ёки ҳаққонийлигини тасдиқлаш ва бўрттириш учунгина эмас.

Бу каломга ишонтириш учунгина эмас.

Ҳодисаларни инсон кўз ўнгида гавдалантириш учунгина эмас.

Одамнинг руҳий дунёсига теран таъсир кўрсатиш, уни қўрқитиш учунгина эмас.

Қасамнинг бош мақсади, маъноси — ЭСЛАТМА. Қуръон карим эса бошданоёқ **эслатмадир. У имтиҳон** китобидир.

ОЛЛОҲ ЮЛДУЗЛАР билан қасам айтиб каломини уқтирганда, кўкдан Сура ичига худди юлдузлар ёғилаётгандай бўлади. «Ва аннаҳу» деб бошланадиган ҳар бир оятни ўқиганда, шиддат билан бир юлдуз учиб киши вужуди ва руҳига, миясининг қаватларига жойлашгандай бўлади. Ё Худо Шамол билан қасам ичиб, ўз оятини айтганда, сўзлар коинот ичра шамол каби садилар ва аШмол каби турфа оҳанглар яратадилар. Одам Шамол ва Юлдузлар билан туғилган сўзларни ҳайратга тўлиб эслаб қолади.

Худо ўз эслатмаларини Қуёш ва Ой билан бирга, тўлғин булутлар билан бирга инсон онгига, дилига нақшлайди. Ва одам Ой ва Қуёш билан бирга у сўзларни тун-кун ёд этади.

Қуръон каломинигина эмас, бутун ягона табиат ва унинг ранг-баранг воқелигини Эслатмага айлантиради.

Шунинг учун еттинчи осмондаги тагида малоик Жаброил ўлтирадиган Сидра дарахти бизга фантазия эмас, ҳақиқат каби кўз ўнгимизда гавдаланади.

Қуръон одамзодга туғилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонликнинг маърифатини ўқитади. У инсон учун яхшилик ва фазлни, солиҳлик ва аброрликни танлади. Муфти ҳазратлари Суралар ва Оятларни тафсир қилар эканлар, ана шуларга алоҳида урғу берадилар ва ҳар қадамда Яратганнинг фазли ва марҳаматини таъкидлаб борадилар. Бир ўринда рисолада айтадилар: Қуръон қўрқитади. Лекин бу қўрқинч сиз билан биз ўйлаган маънодаги қўрқинч эмас.

Шунга ўхшаб Қуръонда ҳар бир сўз, ибора, оят жуда сирли ва бир неча қават маъноларга эгадир. Кўплар неча юз йиллардан бери унинг маъноларини кашф қиладилар, сирларини очмоқчи бўладилар. Лекин пировардида унинг бир сири очилиб, яна нечаси маҳфузлигича қолади.

Чамаси, халқимиз неча юз йиллардан бери Исломга эътиқод қилиб келаётган эса-да, лекин Қуръонни ҳақиқий маънода энди янгидан кашф қилади. Қуръон ва у орқали бошқа муқаддас китобларнинг маърифатини дили ва онгига тўла сингдиргандагина ўзини маърифат эгаси сифатида танимоққа киришади.

Шунда Қуръон орқали унинг парвози бошланади.

Чунки Ягона Оллоҳ ўз Сурасини агар «Ё айюҳал муддассир!» — деб бошласа («Ё бурканиб ётувчи!») бу ёлғиз Аҳмади Мухторгагина қарата айтилган мурожаат эмас. Бу жамики инсониятга қилинаётган мурожаатдир. Ахир инсоният қийинчиликда бурканиб ётишни қанчалар севади! «Қум ва фа анзир!» («Тур ва сўйла!») ҳам худди шундай: барча одамзодга қараб айтилган каломдир.

Уни эшитмаган одам эҳтимол жуда ботирдир. Лекин бу ботирлик шер панжаси орасида кетаётган чумолининг ботирлиги эмасми? «Раббингни улуғла! Либосларингни покла! Азобларни улоқтир!» — булар бизни огоҳлантирмаса, ахир яна кимни огоҳлантиради!

Ҳамон тафсир баҳонасида улуғ битик ҳақида сўз юритаётган эканмиз, шуни ҳам айтиб ўтайликки, бу поранинг таржимасида муаллиф олдингидан кўра анча равшанликка, тиниқликка эришганлигини эслатиб ўтайлик. Лекин у тафсир учун таржима қилганлигини ҳам унутмайлик. Шунинг учун у айрим ҳолларда ўзи қийналган ўринларни мазмунига кўра таржима қилган бўлса, буни тушунайлик.

Мазмунига кўра таржима қилиб еткизиш асл матнга тенг шоирона бадал яратиш қийин бўлгандагина ўзини оқлаши ва бу соҳадаги илк ишлар учунгина тушунарли бўлиши мумкин. Лекин таржимадан бош мақсад аслиятнинг мислсиз илоҳийлигини, гўзаллигини ва оҳангларининг товланишларини сақлаш!

Таржима ичида ҳам Ой ва Қуёш нур сочиб турмаса, бу таржима фақат мазмун беришгагина ярайди. Айтайлик, «Муззаммил» Сурасида: «Вазкур исма раббика ва табаттал илайҳи табтийлан» оятини муфти ҳазратлари: «Ва ўз раббингнинг исмини зикр эт ва унинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ», деган тарзда ўгирадилар. Мазмунан тўғри. Лекин жумла қурилиши жиҳатдан ўзбекчаси ғоятда ёйилиб ҳавол бўлиб қолган. Қуръонда бир ўзакдаги сўзнинг ўхшаш шаклларини ишлатиш илоҳий бир жарангдорлик касб этади. «Ва табаттал илайҳи табтийлан» шунга кичкина бир мисол. Буни ўзбекчада «интилиш билан интил» деб ўгирилса, аслга яқинлашамиз. Лекин ўзбек ҳеч қачон бундай сохта сўз қурмайди. Шундан савол туғилади: аслга тенг сунъийроқ қурилма яхшими ёки мазмунни ўзбекча ифодалаб бериш яхшими? Қуръон таржималарида бу ҳолни ажратиб олишимиз керак бўлади. Буни ечмай туриб, юксак шоирона таржимага эришиб бўлмайди.

Назари ожизимча, илоҳий текстлар таржимасида аниқ сўзма-сўзликка риоя қилиш яхшироқдир. Бу жуда кўп вақтни талаб қилади. Лекин ҳар ҳолда асл нусхани бузмаган текст дунёга келади.

Гоҳо Ҳофиз ғазалларини соғиниб ўқийман. Аслига солиштираман. Шунда асли билан ўзбекчаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўраман. Таржимада бадиий шаклни сақлаш учун зўр бериб уриниб, мазмунни бутунлай ёйиб ёки чала-ярим ифодалаганларини кўраман. Шундан кўра Ҳофизни сўзма-сўз таржима қилса, қанча соз бўларди. Ҳофиз нима демоқчи бўлганига унда ҳеч қандай талафот етмасди. «Муззаммил» сурасидаги «Инна лака финнаҳари сабҳан тавийлан» оятини муаллиф: «Албатта, кундузи сенинг узоқ ишлашинг бор», деб ўгиради. Оят маъноси бузилмаган. Лекин араб тилида «сабаҳа» — сузиш, сузмоқ, учмоқ маъноларини англатади. «Таола» эса узайиш, чўзилиш маъносини ифодалайди. «Узоқ ишлашинг бор», деб ўгириш матнга зид эмас. Лекин аниқлик эътиборига кўра ундан узоқ. Айтайлик, И. Ю. Крачковскийнинг русча таржимаси машҳур. У сўзма-сўз аниқ таржима яратиш учун узоқ йиллар заҳмат чеккан. Унинг таржимасида битта ҳам ортиқча сўз бўлмайди. Крачковский аслиятдаги сўзнинг энг аниқ маъносини танлаб ишлатади. Айтайлик, бояги еттинчи оятни у: «Ведь у тебя днем великое плавание» деб ўгиради. «Субҳан тавийлан» — «великое плавание». Матнга яқин аниқ таржима шу.

Лекин ҳамон тафсирдаги таржимада жуда кўп ёрдамчи изоҳ сўзларга мурожаат қилинади ва кўпсўзлиликка кенг йўл қўйилади. Ҳатто бир ўринда: **Ло илоҳа илло ҳува** — илоҳий ибораси **«ундан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ»** деган тарзда ўгирилади. Мазмунан бу хато саналмас балки. Лекин Исломнинг энг муҳим каломи бузилиб кетади-ку бу таржима шаклида. Бу ерда фақат **«Ўзга Илоҳ йўқ»** дебгина ўгириш зарурдир. Сўз қўшиш ўринсиз ерда ўзбекка тушунарли бўлсин деб, ортиқча сўзларни қўшиб юбораверииш фазилат саналмаса керак.

Келаси ишларда бу каби ҳолларга ва изоҳларда одмиликка йўл қўймасликка, теранлик касб этишга алоҳида аҳамият кўзи билан қараш зарурмикин деймиз.

БИЗ УМУМАН, муфти ҳазратларининг шу жонбозлик ишларидан тўла миннатдормиз. Булар бари маънавият тарбияси йўлидаги дастлабки хайрли қадамлардир. Улар Олий китобни бизнинг дил китобимизга айлантиради.

Бу— туганмас ўқишдир.

**Иброҳим ҒАФУР**



Дилкаш гурунг.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

